



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO‘MITASI**  
**ANTIMONOPOLY COMMITTEE**  
**OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-92-04  
e-mail: [info@antimon.gov.uz](mailto:info@antimon.gov.uz), e-xat: [antimon@exat.uz](mailto:antimon@exat.uz), [www.antimon.gov.uz](http://www.antimon.gov.uz)



**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Давлат солиқ қўмитаси**

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тайёрланган ва Қўмитага (project.gov.uz орқали) юборилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида” (ID-22800 (V-1)ги қарори лойиҳасини Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида кўриб чиқиб, мазкур ҳужжат лойиҳасининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича хулосани иловага мувофиқ юбормоқда.

**Председатель**



**Шарипов Н. Ш.**

Ўзбекистон Республикаси  
Монополияга қарши курашиш  
қўмитасининг хатига илова

**Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича**

**ХУЛОСА**

**I. Умумий маълумотлар**

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

**1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.

**2. Лойиҳанинг номи ва тури:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси.

**3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:**

Ташаббускорлик асосида.

**4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:**

Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш кўзда тутилган.

**II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар**

**5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:**

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – “CRPT TURON” МЧЖ, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар;

давлат органлари гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги;

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – мавжуд эмас.

**6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

6.1. Қарор лойиҳасининг 7-банди учинчи хатбошида 2020 йил 15 ноябрга қадар - тўғридан-тўғри музокаралар асосида ҳамда айрим маҳсулот турларини маркировкалаш юзасидан жорий қилинган эксперимент натижаларини ҳисобга олган ҳолда, “Asl belgisi” МАТни ишлаб чиқиш, фойдаланиш ва унга техник хизмат кўрсатиш ҳамда хусусий шерикни “Asl belgisi” МАТ оператори (кейинги ўринларда Оператор деб аталади) деб белгилаш мақсадида, **“CRPT TURON” МЧЖ билан давлат-хусусий шериклик шартномасини тузиш вазифалари юклатилиши кўрсатилган.**

### III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

#### 7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган **бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга кўядиган имтиёзлар, преференциялар ва энгилликларни асоссиз равишда бериши таъқиқланиши кўрсатилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепцияси”да **хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш кўрсатилган.**

Юқоридагиларни инобатга олиб, тенг рақобат шароитини таъминлаш мақсадида қарор лойиҳасининг 7-бандида **давлат-хусусий шериклик шартлари асосида** танлов савдоларида аниқланган энг яхши талабгор билан шартнома тузиш масаласини киритиш лозим.

Шу билан биргаликда, қарор лойиҳасининг 4-бандида келтирилган нормани ишлашини таъминлаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини аниқ келтириш мақсадида, уни куйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Белгилаб қўйилсинки, маҳсулотларни идентификация қилиш воситалари орқали мажбурий маркировкалаш тўғрисидаги талабларга мувофиқ бўлмаган маҳсулотларни муомалага киритиш, муомалада бўлиши ва муомаладан чиқариш савдо қоидаларини бузиш деб ҳисобланади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўллашга сабаб бўлади”.

### IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу Қарор лойиҳаси 7-банди учинчи хатбошини Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепцияси **талабларига мослаштиргандан сўнг ҳамда бошқа таклифларни инобатга олган ҳолда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**